

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси Кенгаши раиси

Ш.Абдукодиров

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши мажлисининг
2-сон

БАЁННОМАСИ

2026 йил 23 февраль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Абдукодиров ю.ф.д. - Одил судлов академияси ректори

Иштирок этдилар:

ю.ф.д., профессор Д.Арипов, ю.ф.д., профессор Н.Салаев, ю.ф.ф.д(PhD) И.Палвонов, ю.ф.д., профессор Б.Самарходжаев, ю.ф.д., профессор И.Насриев, ю.ф.н., доцент С.Б.Холбаев, ю.ф.ф.д(PhD), доцент Ш.Хакназаров, ю.ф.ф.д(PhD), доцент в.б., Т.Обидов, ю.ф.ф.д (PhD), профессор в.б., Д.Исраилов, ю.ф.н., профессор Х.Азизов, ю.ф.д., профессор И.Рустамбеков, ю.ф.д., доцент Ф.Махмудов, ю.ф.ф.д (PhD) О.Султонов

Кенгаш котиби – ю.ф.ф.д (PhD), Ф.Мадиев.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши янги таркиби тўғрисида маълумот.
2. Одил судлов академиясига жалб қилинган малакали хорижий мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида ҳақ эвазига ҳукукий таълим бериш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ректорининг 2025 йил 4 декабрдаги 20-итм сонли буйруғи билан қабул қилинган докторант ва таянч докторантларнинг яқка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурларини тасдиқлаш.
6. 12. 00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи, 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурларини тасдиқлаш.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарорига мувофиқ муайян меъзонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг илмий даражага эга ходимларига қўшимча ҳақ белгилаш бўйича ишчи комиссиясининг ҳулосасига кўра қўшимча ҳақ ва бир марталик қўшимча ҳақ миқдорини ҳамда тўлов даврини белгилаш.
8. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ректори, юридик фанлари доктори Ш.Ё.Абдукодировни 12.00.08 –“Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия

хукуки” ихтисослиги бўйича профессор илмий унвони олиш учун аттестация ҳужжатларини Олий аттестация комиссиясига тақдим қилиш.

9. Мустақил изланувчиликка танлаб олинган талабгорларни қабул қилиш ва уларнинг мавзулари, илмий раҳбарларини тасдиқлаш.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўз олиб, Кенгаш таркибига таълим ва юридик соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар кертилишини инобатга олиб, Академия ректорининг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида 10.02.2026 йилдаги 7 ум-сонли буйруғи билан Кенгаш таркибига ўзгартириш киритилгани маълум қилди.

Хусусан; Салайев Нодирбек Сапарбайевич - Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси проректори Кенгаш таркибига киртилди ҳамда ҳамкор ташкилотларимиздан: Исламбек Рустамбекович Рустамбеков - Тошкент давлат юридик университетининг ўқув ишлари бўйича проректори, Султонов Ойбек Султонбойевич - Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Фируз Бахтиёр ўғли Махмудов - Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти директори ўринбосари таклиф этилганлигини таъкидлаб ўтди.

Раислик қилувчи ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мувожаат қилди.

Кенгаш аъзоларида қўшимча ва эътирозлар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик этувчи Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш учун масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Академия ректорининг Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида 10.02.2026 йилдаги 7 ум-сонли буйруғи билан Кенгаш таркибига ўзгартириш киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Одил судлов академияси Кенгаши котиби Ф.Мадиев Кенгаш мажлисларида таркибни хабардор қилиш ва иштирокини таъминлаш чораларини кўрсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан сўзни бош бухгалтер Қ.Турсуновга берди.

Қ.Турсунов: Ассалому алайкум хурматли кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 141-сонли Фармонинг 13-бандида хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув жараёнларига жалб этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 61-сонли қарорининг 2-бандида ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилган “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида” қўшма қарорига асосан соатбай ҳақ миқдорлари белгиланган.

Ҳозирги кунда Академияга Раимундас Калеснйкас - юридик фанлар доктори, маъмурий ҳуқуқ, халқаро оммавий ҳуқуқ ва Коррупцияга қарши ҳуқуқ йўналишлари бўйича профессор. У Латвия Республикасидаги Туриба университети юридик факультетининг етакчи илмий тадқиқотчиси ҳамда Швециядаги Лунд университети ҳузуридаги Раул Валленберг номидаги Инсон ҳуқуқлари институтида фаолият юритади. Бундан ташқари, у Полшанинг Гданск университети Ҳуқуқ ва давлат бошқаруви факультетида таклиф етилган профессор ҳисобланади.

28 йилдан ортиқ академик тажрибага эга бўлиб, турли хорижий университетларда (тахминан 85 та олий таълим муассасасида) таклиф етилган маърузачи сифатида дарс берган. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тренинглар ўтказиш билан шуғулланган (миллий даражада йилига 10-15 та, халқаро даражада йилига 8-10 та тадбир).

22 йилдан ортиқ вақт давомида қўплаб халқаро ташкилотларда (ЙХХТ, БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, USAID, Европа Иттифоқининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари академияси (EU CEPOL), Европа Иттифоқининг Филиппин ва Молдова Республикасидаги ваколатхоналари, Буюк Британиянинг Saferworld ташкилоти, Европа Комиссиясининг DG HOME бош бошқармаси, Коррупцияга қарши кураш тармоғи) фаолият юритган ўқитувчи соатбай ҳақ тўлаш тарзда дарсларга жалб қилиниши таклиф этиляпти.

Шунингдек Раимундас Калеснйкас соатбай ҳақ тўлаш учун бозор конъюктураси ўрганиб ҳамда қонунчилигимизни инобатга олиб ҳар ойда 28 000 000,0 сўм жами 4 ойда 112 000 000.0 сўм миқдорда ҳақ тўлашни таклиф этди.

Қ.Турсунов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, унинг ахбороти юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан Одил судлов академиясига жалб қилинган малакали хорижий мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Одил судлов академияси бош бухгалтери Қ.Турсуновнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Хорижий мутахассис Раимундас Калеснйкасни Одил судлов академиясининг ўқув жараёнига жалб этиш маъқуллансин.
3. Раимундас Калеснйкасга меҳнати учун бозор конъюктураси ва амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, ҳар ойда 28 000 000 (йигирма саккиз миллион) сўм миқдорида, жами 4 ой учун 112 000 000 (бир юз ўн икки миллион) сўм миқдорида ҳақ тўлаш белгилансин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан назорат Бош бухгалтер Қ.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан сўзни Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани Х.Азизовга берди.

Х.Азизов: Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида ҳақ эвазига ҳуқуқий таълим бериш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-141-сон Фармони 13-банди (г) кичик бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Уставининг 8-бандига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини, Низом Академияда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича ҳақ эвазига таълим хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Х.Азизов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Кенгаш аъзоларида қўшимча ва эътирозлар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида ҳақ эвазига ҳуқуқий таълим бериш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов Академияси Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани Х.Азизовнинг “Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида ҳақ эвазига ҳуқуқий таълим бериш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом ҳақида берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида ҳақ эвазига ҳуқуқий таълим бериш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўқув-услугий ишлар бўйича проректор Д.Арипов зиммасига юклансин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан сўзни Ўқув-услугий бўлим бошлиғи И.Палвоновга берди.

И.Палвонов: Ҳурматли кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академияси Кенгашининг 2025 йил 24 сентябрдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси билан Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган эди, лекин мазкур Низомда тингловчи томонидан тайёрланган суд ҳужжатини баҳолаш мезонлари киритилганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби янги таҳрирда тасдиқланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тингловчи томонидан тайёрланган суд ҳужжатини баҳолаш мезонлари барча Кенгаш аъзоларига тақдим қилинган.

И.Палвонов ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи мазкур масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди.

Шундан сўнг, раислик этувчи Кенгаш аъзоларидан Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўқув-услугий бўлим бошлиғи И.Палвоновнинг Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби янги таҳрири ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Одиал судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўқув-услубий бўлим бошлиғи И.Палвонов зиммасига юклансин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 304-сонли Қарорининг 28-29-бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ректорининг 2025 йил 4 декабрдаги 20-итм сонли буйруғи билан қабул қилинган докторант ва таянч докторантларнинг якка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурлари ишлаб чиқилган.

Одил судлов академиясида қабул қилинган докторант ва таянч докторантларнинг якка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурлари Кенгаш аъзоларига танишиб чиқиш учун жўнатилган. Шу жиҳатдан, мазкур дастурларни тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини якунлагандан сўнг, раислик қилувчи К.Миршаеванинг ахбороти юзасидан қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи докторант ва таянч докторантларнинг якка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурларини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг Докторант ва таянч докторантларнинг якка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурлари ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Докторант ва таянч докторантларнинг якка тартибдаги иш режалари ва ўқув-методик дастурлари иловага мувофиқ тасдиқлансин

3. Қарор ижросини таъминлаш Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршевага зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: 2025 йил 21 августдаги 141-сонли Фармонининг ижроси юзасидан 12.00.07-Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи, 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ташкил этилди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 2764-сонли қарорига мувофиқ 12. 00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи, 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурларини ишлаб чиқилди ва дастурлар юзасидан ижобий тақризлар келиб тушган. Мазкур дастурлар Кенгаш аъзоларига танишиб чиқиш учун жўнатилган. Шу жиҳатдан, мазкур ишчи комиссиянинг ҳулосасини тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи К.Миршаеванинг ахбороти юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси проректори, юридик фанлар доктори Салаев Нодирбек Сапарбаевичга қўшимча ҳақ олишини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг 12. 00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминалогия. Жиноят-ижроия ҳуқуқи, 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурлари ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. 12. 00.07- Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминалогия. Жиноят-ижроия ҳуқуқи, 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. Тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қарор ижросини таъминлаш Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршевага зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: Одил судлов академиясининг илмий даражага эга проректор Салаев Нодирбек Сапарбаевич лавозимга тайинланганидан сўнг ходим томонидан қўшимча ҳақ олиш мақсадида ҳужжатлар тақдим қилинганини маълум қилди.

Комиссия аъзолари қўшимча ҳақнинг бир марталик ёки ойлик шакли жорий йилда охириги 12 ой давомида (календарь йил яқунлари) амалга оширилган ишлар натижалар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида келишиб олишди. Ходим томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни алоҳида-алоҳида, асослантирувчи ҳужжатлар асосида кўриб чиқишга келишиб олинди.

Одил судлов академияси проректори, юридик фанлар доктори Салаев Нодирбек Сапарбаевичга 60% этиб белгиланган.

Одил судлов академиясининг илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ белгилаш бўйича ишчи комиссиясининг ҳулосаси Кенгаш аъзоларига танишиб чиқиш учун жўнатилган. Шу жиҳатдан, мазкур ишчи комиссиянинг ҳулосасини тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи К.Миршаеванинг ахбороти юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси проректори, юридик фанлар доктори Салаев Нодирбек Сапарбаевичга қўшимча ҳақ олишини тасдиқлаш масаласини очиқ овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг илмий даражага эга ходимларига қўшимча ҳақ белгилаш бўйича ишчи комиссияси хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Одил судлов академияси проректори, юридик фанлар доктори Салаев Нодирбек Сапарбаевичга 60% қўшимча ҳақ белгилансин.

3. Қарор ижросини таъминлаш Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршевага зиммасига, қарор ижросини назорат қилиш Одил судлов академияси проректори Д.Арипов зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: Ҳурматли кенгаш аъзолари! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016-йил 28-апрелдаги 224/8-сон қарорига илова билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом талабига кўра, профессор илмий унвонига талабгор камида бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг штатида профессор вазифасини бажарувчи лавозимда ишлаб келаётган бўлиши лозим. Одил судлов академияси ректори, юридик фанлари доктори Ш.Ё.Абдуқодиров 2026 йил 9 январдаги Одил судлов академияси Кенгашининг 1-сон Қарори билан “Жиноий-ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланган. Профессор илмий унвонига талабгор Ш.Ё.Абдуқодиров томонидан профессор илмий унвони олиш учун талаб этиладиган барча илмий, ўқув ва ташкилий ишлар ОАК Раёсатининг 2016-йил 28-апрелдаги 224/8-сонли қарори билан тасдиқланган “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ бажарилган. Ш.Ё.Абдуқодиров томонидан тақдим этилган аттестация ҳужжатлари батафсил ўрганиб чиқилди. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ш.Ё.Абдуқодировни профессор илмий унвонини олишга тавсия этишларингизни сўрайман.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, ахбороти юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан Ш.Ё.Абдуқодировни профессор илмий унвонини олишга тавсия этиш қабул қилиш тартибини тасдиқлаш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -14 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ :

1. Одил судлов академияси Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимининг Ш.Ё.Абдуқодировнинг аттестация ҳужжатлари батафсил ўрганиб чиқилганлиги ва ОАК Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сонли қарори билан тасдиқланган “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ тайёрланганлиги ҳақидаги хулосаси инобатга олинсин.

3. Овоз бериш натижаларига асосан, Одил судлов академияси ректори, юридик фанлари доктори Шерзод Ёқубжонович Абдуқодиров 12.00.08 – Халқаро ҳуқук ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонига тавсия этилсин.

4. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаева талабгор Ш.Ё.Абдуқодировнинг барча ҳужжатларини Ўзбекистон республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига ўрнатилган тартибда тақдим этиш вазифаси юклансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан назорат Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаева зиммасида қолдирилсин.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаевага берди.

К.Миршаева: К.Миршайева: Ҳурматли Раислик қилувчи ва Кенгаши аъзолари, 2026 йил 20 февраль куни Одил судлов академиясига юридик фанлари бўйича фалсафа доктори ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчанликка ҳужжат тақдим этган талабгорлар билан ўтказилган суҳбат натижасида танловдан муваффақиятли ўтган 13 нафар талабгорлар ҳақида маълумот бериб ўтди. Унга кўра, талабгорларнинг 11 нафари фалсафа доктори (PhD) ва 2 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ҳужжат топширган. Йўналишлар бўйича 12.00.03 – “Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ”, 12.00.08 – “Жиноят ҳуқуқи. Жиноят - ижроия ҳуқуқи”, 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи, 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация. 12.00.09 – “Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси” ихтисослиги бўйича талабгорлар суҳбатдан ўтишган.

К.Миршаева ўз фикрини яқунлагандан сўнг, раислик қилувчи К.Миршаеванинг ахбороти юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўраб, мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларига мурожаат қилди. Кенгаш аъзоларида қўшимча фикр ва мулоҳазалар бўлмади.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Кенгаш аъзоларидан жорий йилнинг 20-февраль куни ўтказилган суҳбат натижалари асосида мустақил изланувчанликка муносиб деб топилган 11 нафар номзодларни Одил судлов академиясига фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчанликка қабул қилиш ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари ва тадқиқот мавзуларини тасдиқлаш масаласини очик овозга қўйди.

Тарафдорлар -15 та; қаршилар – 0; бетарафлар – 0.

Кун тартибига қўйилган масала Кенгаш аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, Кенгаш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси К.Миршаеванинг фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун Одил судлов академиясига мустақил изланувчанликка ҳужжат тақдим этган талабгорлар билан суҳбат асосида ўтказилган танлов ҳамда танлов натижасида мустақил изланувчанликка муносиб деб топилган талабгорлар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фалсафа ва фан доктори илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчанликка қабул қилиш бўйича суҳбат асосида ўтказилган танловдан муваффақиятли ўтган талабгорлар иловага мувофиқ Одил судлов академиясига мустақил изланувчанликка қабул қилинсин.

Кенгаш котиби:



Ф.Мадиев